

**Маматов Б.С. – ТМИ кафедра
мудири, и.ф.н.**

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ МИКРОМОЛИЯЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Мақолада миллий иқтисодиётни ривожлантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тараққиётининг роли ҳамда ушбу соҳа субъектларини микромолиялаш масалалари ўрганилган. Илғор хориж тажрибалари асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини микромолиялашни такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, микрокредит, микроқарз, микролизинг, микромолиялаш, груп кафолати асосида микромолиялаш, тижорат банклари, банкдан ташқари кредит ташкилотлари, кредитлаш босқичлари, ялпи ички маҳсулот, бошланғич капитални шакллантириш, имтиёзли кредитлаш, микрокредит ташкилотлари, ломбардлар.

В статье изучены вопросы развития малого бизнеса и частного предпринимательства в развитии национальной экономики, также микрофинансирование субъектов данной сферы, на основе передового зарубежного опыта разработаны научные предложения и практические рекомендации, направленные на совершенствование микрофинансирования субъектов малого бизнеса и частного предпринимательства.

Ключевые слова: малый бизнес, частное предпринимательство, микрокредит, микродолг, микролизинг, микрофинансирование, финансирование на основе групповых гарантий, коммерческие банки, внебанковские кредитные учреждения, этапы кредитования, валовый внутренний продукт, формирование начального капитала, льготное кредитование, микрокредитные организации, ломбарды.

The article examined the role of the questions of development of small business and private entrepreneurship in the development of the national economy, and micro-financing entities of this sector, based on best international practices developed research proposals and practical recommendations aimed at improving the micro small business and private entrepreneurship.

Keywords: small business, private entrepreneurship, microcredit, mikrodolg, micro-leasing, micro-financing, financing on the basis of group guarantees, commercial banks, non-banking credit organizations, lending stages, gross domestic product (GDP), the formation of seed capital, preferential loans, micro-credit organizations, pawn shops.

Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор суръатларда ривожлантириш омилларидан бири кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тараққий этишини таъминлаш ҳисобланади. Ушбу соҳа бозор конъюнктураси ўзгаришларига тез мослаша олиши, янги иш ўринларини яратиш орқали ахоли бандлигини

таъминлаш ва даромад манбаларини яратиши, ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш хусусиятларига эгалиги билан ажralиб туради.

Ривожланган мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётни асосини ташкил этиб, унинг муваффақиятли ривожланишига бевосита таъсир кўрсатади. Хусусан, иқтисодий фаол аҳолининг 50 фоиздан зиёди кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига жалб қилинган. Бу кўрсаткич Японияда – 70 фоизни, Хитойда – 80 фоизни ва АҚШда – 50 фоизни ташкил қиласди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги (ЯИМ) улуши АҚШда – 52 фоизни, Японияда 67 фоизни ташкил этади[1]. Таракқий этган мамлакатларда кичик бизнес корхоналари сони жами корхоналарнинг 70-90 фоизини, жами иш билан банд аҳолининг 70-80 фоизи кичик бизнес ҳиссасига тўғри келади[2]. Шу нуқтаи назардан кичик бизнес тараққиётини таъминлаш устувор вазифалардандир.

1-жадвал

Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик (бизнес) нинг иқтисодиёт ва унинг асосий тармоқларидағи улуши*

Кўрсат-кичлар	2000 йил	2002 йил	2004 йил	2006 йил	2008 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2015 йилда 2000 йилга нисбатан ўзгариши
Ялпи ички маҳсулот	31,0	34,6	35,6	42,1	48,2	52,5	54,0	54,6	55,8	56,1	56,5	25,5
Саноат	12,9	15,4	11,0	10,9	14,6	18,8	21,9	23,1	28,1	31,7	40,6	27,7
Қишлоқ хўжалиги	73,6	74,9	81,1	94,0	97,7	97,8	97,7	97,8	98,0	98,0	98,4	24,8
Инвестиция	15,4	16,3	18,8	26,5	24,6	28,5	31,9	35,3	32,7	35,4	35,8	20,4
Курилиш	38,4	42,0	49,6	52,1	58,4	53,1	68,6	71,1	71,5	69,5	66,7	28,3
Савдо**	74,1	79,6	88,5	89,1	84,6	85,1	86,7	87,3	86,6	86,3	87,1	13,0
Пуллик хизматлари	37,0	40,1	47,9	50,8	48,5	47,0	46,3	44,9	46,2	48,6	50,5	13,5
Жами хизматлар	x	x	x	x	44,2	45,7	46,1	46,8	48,9	51,5	55,6	x
Юқ ташиш	6,7	12,0	19,7	27,2	38,1	41,6	43,2	44,2	47,3	50,9	53,7	47,0
Юқ айланмаси	25,8	37,2	54,1	64,7	74,6	76,6	78,9	81,2	82,8	83,4	83,7	57,9
Йўловчи ташиш	30,0	39,5	57,6	69,4	78,4	79,4	81,8	83,1	84,5	85,5	87,3	57,3
Йўловчи айланмаси	44,0	54,7	71,9	80,4	84,5	84,7	87,0	87,6	87,7	88,6	89,2	45,2
Экспорт	10,2	7,5	7,3	10,7	12,4	13,7	18,8	14,0	26,2	27,0	27,8	17,6
Импорт	27,4	24,9	32,7	34,0	35,7	35,8	34,3	38,6	42,4	45,4	44,5	17,1
Бандлик	49,7	53,5	60,3	69,1	73,1	74,3	75,1	75,6	76,7	77,6	77,9	28,2

* Ўзбекистон Давлат статистика қўмитасининг статистик маълумотлари асосида тузилган

**- Деҳқон бозорлари фаолиятини ҳисобга олган ҳолда

Мустақиллик – миллий истиқлол даврида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш жараёни иқтисодиётни босқичма-босқич тузилмавий янгилаш, уни эркинлаштириш, хусусий сектор ролини ошириш билан узвийликда амалга оширилди. Бунинг натижасида мазкур соҳада йил сайин ижобий ютуқ ва иқтисодий ўсишга эришилганлигини кўриш мумкин (1-

жадвал). Хусусан, 2016 йил 1 январь ҳолатига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМ таркибидаги улуши 56,5 фоизни ташкил қилди ва бу кўрсаткич 2000 йилга нисбатан 25,5 пунктга ошди. Бироқ, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўз маҳсулотларини экспорт қилишда қатор афзалликларга эга бўлишига қарамай, экспортни импортдан оширишга эришганларича йўқ.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни барқарор ривожлантириш орқали унинг ЯИМдаги улушкини ошириш, аҳолини иш билан банд этиш, реал даромадларини кўпайтириш ва турмуш фаровонлигини яхшилашда микромолиялаш муҳим аҳамият касб этади. Микромолиялаш аҳолини камбағалликдан халос этиши, яъни меҳнатга лаёқатли, иқтидорли аҳоли қатламига иш ўринлари яратиш орқали ўз ғоя ва янгиликларини рўёбга чиқариши, даромад олиш манбаларини кенгайтириш асосида турмуш фаровонлигини яхшилаши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўли билан уларни жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий фаол субъектларига айланишига имкон беради. Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш борасида олиб борилаётган ишлар халқаро иқтисодий ташкилотларнинг рейтингларида ўзининг ижобий ифодасини топмоқда.

«Янги бизнесни қўллаб-қувватлаш» деб аталадиган мезон бўйича мамлакатимиз айни пайтда жаҳонда 42-ўринни, тузилган шартномалар ижросини таъминлаш бўйича 32-ўринни, иқтисодий ночор корхоналарга нисбатан қўлланадиган банкротлик тизимиning самарадорлиги бўйича 75-ўринни эгаллаб турибди. «Кичик бизнес субъектларига кредит бериш» деб номланадиган кўрсаткич бўйича Ўзбекистон сўнгги уч йилда 154-ўриндан 42-ўринга кўтарилиди ва ўтган йилнинг ўзида рейтингини 63 позицияга яхшилади.

Жаҳон банкининг маъруzasида Ўзбекистон кейинги йилларда тадбиркорлик фаолияти учун ишбилармонлик муҳитини яхшилаш соҳасида энг яхши натижаларга эришган дунёдаги ўнта давлат қаторидан жой олгани қайд этилган. Ана шу йўналишдаги ислоҳотлар натижасида ялпи ички маҳсулотимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан бугунги кунда 56,5 фоизга етгани ёки 1,8 баробар ошди. Ҳозирги пайтда ушбу соҳада жами саноат маҳсулотларининг учдан бир қисми, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 98 фоизи ишлаб чиқарилмоқда. Иш билан банд жами аҳолимизнинг 77 фоиздан ортиғи мазкур тармоқда меҳнат қилмоқда.

Ўзбекистонда аҳоли бандлигини таъминлаш, уй хўжалиги даромадларининг шаклланиши каби ижтимоий-иқтисодий муаммолар ечими кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини микромолиялаш амалиётининг қай даражада ривожланганлигига боғлиқ бўлади. Ҳозирда республикамида микромолиявий хизматлар кўрсатувчи барча молия-кредит институтлари ушбу хизмат турига бўлган жами талабни қондира олмайди. Чунончи, микрокредит ташкилотлари Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида фаолият олиб бораётганига қарамасдан аҳолининг катта қисми (асосан қишлоқлар ва чекка туманлар аҳолиси) микромолиялаш хизматларидан фойдаланиш учун етарли имкониятга эга эмас. Масалан, 2015 йил 1 январгача микрокредит

ташкilotларининг мижозлари 246,4 минг киши бўлиб, бу мамлакат аҳолисининг 0,8 фоизини ташкил этган[3]. Ҳисоб-китобларга кўра, 2015 йилда тижорат банклари томонидан барча молиялаш манбалари ҳисобидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўрсатилган микромолиявий хизматларнинг ЯИМдаги улуши 1,5 фоизни, тижорат банклари жами кредит қўйилмалари таркибидаги улуши 20,9 фоизни ташкил қилган.

Микромолиялашнинг келиб чикиш тарихи XIX асрнинг 40-йилларида Германия қишлоқ хўжалигида юз берган танглик ҳолатидан (оғир иқлим шароитининг юзага келиши ва ҳосилдорлик бўлмаганлиги) бошланди ва ўша даврда Фридрих Райфайзен томонидан Вейербуш шаҳрида Европада биринчи бор «Хлебный союз» ўзаро ёрдам кассаси ташкил этилди[4]. XX асрнинг 50-70 йилларида ижтимоий-иктисодий ривожланиш даражаси суст бўлган мамлакатларда давлат органлари ва донор ташкilotлари кичик ва кам таъминланган фермерларга уларнинг меҳнат унумдорлиги ва даромадлари даражасини ошириш умидида субсидиялаштирилган қишлоқ хўжалик кредитлари беришни бошлаган[5]. 1970 йиллардан сўнг ривожланаётган мамлакатларда кам таъминланган аҳоли қатламига кичик ҳажмдаги кредитлар бериш ва бошқа маслаҳат хизматлари кўрсатиш бўйича экспериментлар ўтказилди[6].

Гуруҳли кредитлаш услубиётига асосланган биринчи микрокредитлаш дастури[7] Бангладешда 1976 йилда проф. М.Юнус (Нобел мукофоти лауреати, 2006 й.) бошчилигидаги «Грамин» банки орқали амалга оширилди ва шу йилни микромолиялашнинг туғилган йили, деб номлаш мумкин. Шу нуқтаи назардан Мухаммад Юнуснинг илмий қарашларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Проф. М.Юнуснинг қарашларида микромолиялаш камбағаликка қарши курашиш қуроли сифатида эътироф этилади. Олимнинг илмий ишларида паст фоиз ставкасида микрокредитларни аҳолининг кам даромадли қатламларига гаров талаб қилмасдан беришга алоҳида эътибор қаратилган. Албатта, буни жуда ўринли ва юқори ижтимоий аҳамиятга эга, деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча, «микромолиялаш» тушунчасини изоҳлашда иқтисодчи-олимлар унинг қуйидаги жиҳатларини тўлиқ баҳолай олмайдилар: кредиторлар ва қарз олувчиларнинг ҳудудий яқинлиги; қарзга олинган молиявий ресурслар ва у бўйича тўловни қоплаш манбасининг мақсадли белгиланганлигининг ўзаро боғлиқлиги; шахсият ва ишонч муносабатларининг роли. Микромолиялаш ва ундан фойдаланувчилар мақсадли гуруҳлари ўртасида ўзаро алоқа мавжуд.

Тадқиқотлар кўрсатишича, микромолиялаш жамғармалар ва кредит бозори ривожига ҳамда диверсификацияланишига ёрдамлашади ва мижозларнинг кейинчалик банклардан кредит олиш учун кредит тарихини шакллантириб боради. Микромолиялаш жараёнининг тезкорлиги аҳолининг молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш йўли билан кичик бизнесга жалб қиласди.

Дунёning кўпгина мамлакатларида кенг миқёсда қўлланилаётган микромолиялаш иқтисодий муаммоларни ҳал этишдаги энг самарали молиявий

воситалардандир. Ўзбекистонда ҳам ўзининг турмуш фаровонлигини яхшилашга ҳаракат қилувчи кам таъминланган аҳоли қатламини қўллаб-қувватлаш бўйича маълум тажрибалар тўпланган.

Микромолиялаш айниқса иш билан бандликни кенгайтиришда самаралидир. Молиявий хизматлардан фойдаланиш имконияти одамларнинг тадбиркорлик салоҳиятини кучайтиради. У иқтисодиёт ва бизнеснинг шаффоғлигини ошириш усули ҳамдир. Амалиёт кўрсатишича, микромолиявий ташкилотларнинг ривожланиши норасмий кредитлаш секторини қисқартиради, молиявий хизматдан фойдаланиш эса мижоз фаолияти шаффоғлигини оширади.

Фикримизча, микромолиялаш тор маънода, биринчи навбатда, микрокредитлашни англатиб, унинг ядросини ташкил қиласди. Шу билан бирга у мижозларнинг маълум гурухига мўлжалланган бўлиб, ҳар қандай молиялашдан хизматлар кўрсатиш доираси билан фарқланади. У микрокредитлаш билан бирга микроқарз, микролизинг, микрожамғарма, микросуғурта, пул ўтказмалари, консалтинг хизматлари каби бошқа кенг турдаги микромолиявий хизматларни ҳам ўз ичига қамраб олади ва унинг асосий мақсади кам таъминланган аҳоли қатламини қўллаб-қувватлаш, иш билан таъминлаш масаласини ҳал этиш ҳамда кичик бизнесни ривожлантиришдан иборат. Иқтисодий фаол аҳоли қатламининг истеъмол эҳтиёжларини қондириш ва тадбиркорликка жалб қилиш ҳамда даромад манбаларини яратиш мақсадида молиявий ресурсларни соддалашган ва унинг юкори миқдори қонун ҳужжатларида қатъий белгиланган тартибда тўловлилиқ, қайтарувчанлик, ўзаро ишонч ва мақсадли фойдаланиш тамойилларида, ҳудудий яқинлиги ва хусусий алоқадорлиги шароитларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар ўртасидаги маҳсус молия-кредит ва ҳуқуқий муносабатларга микромолиялаш дейилади. Лекин, бу сўнгги таъриф ҳисобланмайди, чунки микромолиялашнинг мазмун-моҳиятини ўрганиш жараёнида унинг янги белгилари ва хусусиятлари юзага чиқиши мумкин.

Иқтисодиёти ривожланган ва ривожланётган мамлакатлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини микромолиялашнинг бой тажрибаларига эга.

Жаҳон тажрибасида микрокредитлашда қўлланиладиган услубиётга кўра якка тартибда кредитлаш, одатда, тижорат банклари томонидан қўлланиладиган усульнинг янги кўринишидир. Бу жараёнда олинадиган қарзлар мол-мулк билан кафолатланади, мижозларнинг кредит тарихи ва уларга берилган тавсиялар текширилади, қарз беришда таъминланётган бизнеснинг ҳаётийлиги, истиқболи синчиклаб ўрганилгандан сўнг кредит берилади. Микромолиявий ташкилотлар мижозлар билан ўзаро муносабатларни ривожлантиришга ҳаракат қиласди. Мазкур услубиётнинг одатдаги кредитлашдан фарқи унда маслаҳат бериш ва ўргатиш кабиларнинг мавжудлигидир. Гуруҳ бўлиб кредитлаш услубиётига кўра, банк ходимлари томонидан бажариладиган вазифалар кредит гуруҳи зиммасига юкланади, унинг шаклланиши микрокредит ташкилоти ходимининг ташаббусига кўра юз беради. Гуруҳ мижозларни ўзи текширади ва

унинг таркибига ким кириши мумкинлигини ўзи ҳал этади. Гурух аъзолари бир-бирининг бизнесини ва кредитни қайтариш имкониятларини баҳолашади, кредитлаш аста-секин қўпаювчи, унча катта бўлмаган микдорда қарз бериш йўли билан амалга оширилади, гурух аъзоларининг ҳар бири олинган қарзни қайтариш юзасидан жавобгар бўлади, қарзни қайтариш муддати бузилса ёки тўланмаса, то қарзини тамоман узмагунича гурух навбатдаги кредитни олиш имкониятидан маҳрум этилади.

Гурух кафиллиги асосида кредитлаш услубиётининг ўзига хос хусусияти, нафақат, гурухий назоратни, балки бизнесда гурух аъзоларининг бирдамлиги ва хайриҳоҳлигини, ўзаро бир-бирини қўллаб-куватлашини таъминлайди. Шунингдек, ушбу амалиётни жамиятнинг нисбатан кам таъминланган қатламларида жорий қилиш имконини беради.

АҚШда кичик бизнес фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-куватлаш, асосан, 1953 йилда ташкил этилган «Кичик бизнес маъмурияти» (КБМ) ҳукумат органи орқали амалга оширилади. Унинг асосий мақсади тадбиркорлик субъектларига кредитлар ва кафолатли қарзлар олишда ёрдам бериш, бепул ахборот хизматлари кўрсатиш, кредиторларга давлат кафолатлари бериш кабилардан иборат.

Японияда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан рағбатлантириш унинг барча босқичларида (рўйхатга олиш, ташкил этиш ва ривожлантириш) олиб борилади. Ушбу мақсадда турли иқтисодий дастаклар тизими қўлланилади: имтиёзли микрокредитлар, солиқ имтиёзлари, техник ва маслаҳат ёрдамлари, ахборот-компьютер хизматлари, кадрлар тайёрлаш ва ҳ.к.

Германия тажрибасида давлат томонидан кичик бизнес корхоналарини кенгайтириш ва таъмирлаш, янгиларини ташкил этиш, ушбу мақсадлар учун йирик компаниялар капиталини жалб қилиш, кредит муассасаларига кафолатлар бериш, шунингдек, кредитлашнинг маҳсус дастурларини (техниковий ёрдам, инновацион тадбирлар, субконтрактация, модернизация ва технологик ривожлантириш дастурлари) амалга ошириш кабиларни қўришимиз мумкин.


Кичик ва ўрта корхоналарни кредитлаш ҳажмлари бўйича Япония, Германия, Канада ва АҚШ юқори кўрсаткичларга эга. Буюк Британия ва Франция энг кўп микдорда кафолат бериши билан хусусиятланади. Бу мамлакатларда кичик ва ўрта корхоналарга хизмат кўрсатувчи инфратузилманинг ривожланган тармоғи мавжуд бўлиб, бу ҳол кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молия-кредит, ахборот, маркетинг, ўқитиши, экспорт қилиш ва бошқа хизматлардан фойдаланиш имкониятларини яратади. Бу эса мазкур давлатларда кичик ва ўрта корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-куватлашнинг ривожланган тизими амал қилишини кўрсатади.

Микромолиявий хизматлар пайдо бўлган ва энг яхши ривожланаётган мамлакатлардан бири Бангладеш бўлиб, микромолиявий хизматларни амалга оширувчи асосий институт, проф. М.Юнус томонидан асос солинган дунёга машҳур «Грамин» банкидир. Банк ўз фаолиятини 1976 йилда камбағал аҳолига гаров талаб қилмасдан гурух кафиллиги асосида микрокредитлар беришдан

бошлади ва 1983 йилда хукумат қарори билан мустақил банкка айлантирилди[8].

Бангладеш микромолиялаш амалиётида гурух фаолияти ҳар ҳафтада йигиладиган кичик жамғармалардан бошланади. Гурухга аъзолик давомида аъзоларнинг тўлаган бадаллари ҳисобига доимий шаклланиб бориладиган жамғарма ташкил қилинади. Мажбурий жамғарма кредит олишга 4-8 ҳафта қолганда тўлдирилиши керак. Дастреб гурухнинг фақат икки аъзосигина кредит олиш имкониятига эга бўлади. Улар ушбу қарзни 50 ҳафта ичида тенг миқдорда тўлаб боради. Ҳар доим ссуда олаётган гурух аъзоси олинаётган ссуданинг 5 фоизини гурух фондига кўйиши керак. Энг муҳими, агар бирор-бир гурух аъзоси олган қарзини қайтаролмаса, уни қайтариш масъулиятини гурух ўз зиммасига олади. Кредитлар 6 ойдан 1 йил муддатгача, кредитнинг ўртacha миқдори 100-300 АҚШ долл. ташкил этиб, йиллик 20 фоиз ставкада берилади.

Гурухий кафолат остида кредитлашнинг афзаллиги кредит гурух аъзоларининг жавобгарлиги асосида гаровсиз тақдим этилиши ва гаров бўлиб гурух кафолати хизмат қилишидир. Гурух томонидан қилинган босим кредитни ўз вақтида қайтаришга имкон беради. Шунингдек, кредитни қайтариш учун гурух аъзоларидан мажбурий ажратмалар шакллантирилиши мумкин. Хуллас, ривожланган мамлакатлар тажрибаси кўрсатишича, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, фақатгина, улар учун давлат томонидан қулай иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий ва бошқа шарт-шароитлар яратилгандагина мумкин бўлади. Мамлакатимизда ушбу вазифани республика ва худудлар даражасида кичик тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-куватлашга ихтисослашган инфратузилмани ривожлантирмасдан туриб амалга ошириб бўлмайди.



1-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар ва микроқредитлар динамикаси, (млрд. сўм)*

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида ишлаб чиқилди

Сўнгги йилларда хукуматимиз томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-куватлаш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар натижасида мазкур соҳага тижорат банклари томонидан берилаётган кредитлар ва кўрсатилаётган микромолиявий хизматлар хажми йилдан-йилга ўсиб бормоқда (1-расм). Жумладан, барча манбалар ҳисобидан кичик бизнес ва

хусусий тадбиркорлик субъектлариға ажратилган кредит ресурслари ҳажми 2015 йилда 12112 млрд. сўмни ташкил қилиб, 2011 йилга нисбатан 2,9 баробарга ошди, микрокредитлар ҳажми эса тегишлича 3,3 баробарга ортиб, 2526 млрд. сўмни ташкил қилди.

Қўйидаги 2-жадвал маълумотларидан қўринадики, мамлакатимиз тижорат банклари жами кредит қўйилмалари, шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлариға ажратилган кредитлар ва микромолиявий хизматлар улуши ЯИМ таркибида паст салмоққа эгалигича қолмоқда.

2-жадвал

Тижорат банклари томонидан кичик бизнесга ажратилган кредитлар динамикаси ва унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши*

№	Кўрсаткичлар	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2015 йилда 2010 йилга нисбатан ўзгариши
1	Ялпи ички маҳсулот, млрд. сўм	62388,3	78764,2	97929,3	118986,9	144867,9	171369	6,1 марта
2	Тижорат банкларининг кредит қўйилмалари, млрд. сўм	11539,3	15651,5	20392,0	26530,0	34809,0	42685,0	9,0 марта
3	Тижорат банклари томонидан кичик бизнесга ажратилган кредитлар, млрд. сўм	2700,0	4000,0	5346,0	6982,0	9158,0	12112,0	16,3 марта
4	Тижорат банклари томонидан кичик бизнесга кўрсатилган микромолиявий хизматлар, млрд. сўм	485,2	752,3	1023,0	1366,0	1907,0	2526,0	23,0 марта
5	Тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка ажратилган кредитларнинг ЯИМдаги улуши	4,3	5,1	5,5	5,9	6,3	7,1	4,4 ф.п.
6	Тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка ажратилган микрокредитларнинг ЯИМдаги улуши	0,8	1,0	1,0	1,1	1,3	1,5	1,1 ф.п.
7	Тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка ажратилган микрокредитларнинг жами кредит ышайилмалари таркибидаги улуши	18,0	18,8	19,1	19,6	20,8	20,9	6,1 ф.п.

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида тузилган

2010-2015 йилларда тижорат банкларининг жами кредит қўйилмалари ҳажми ЯИМ таркибида 20,1 фоиз пунктга пасайган. 2009 йилда тижорат банклари жами кредит қўйилмалари таркибида микромолиявий хизматлар улуши 3,8 фоизни ташкил қилиб, 2002 йилга нисбатан 2,5 ф.п.га ортган.

Бундай ҳолат тижорат банкларининг иқтисодиёт тармоқларини молиялаштириш, шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлариға микромолиявий хизматлар кўрсатишда муаммолар мавжудлигини кўрсатади ва уларнинг кичик бизнес фаолиятини микромолиялашда етарлича роль ўйнамаётганликларидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро манфаатли алоқа ўрнатмаганиклиаридан ва самарали микрокредитлаш тизими яхши йўлга қўйилмаганлигидан далолат беради.

Бизнинг фикримизча, қўйидаги 3-жадвал маълумотлари асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлариға кўрсатилган микромолиявий

хизматлар ҳажми билан кичик бизнеснинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улушини ўзаро боғлиқликда таҳлил қилиш учун корреляцион таҳлилдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Яъни, икки кўрсаткич (X ва Y) миқдорларнинг корреляция коэффициенти деб, ушбу миқдорлар чегирмалари кўпайтмаси натижасини шу миқдорлар ўртача квадратли чегирмалари кўпайтмаси нисбатига айтилади ҳамда қўйидаги формула орқали X ва Y белгилари орасидаги боғланишни ва унинг кучини аниқлаймиз:

$$R_{xy} = \sum (X_i - \bar{X})(Y_i - \bar{Y}) / \sqrt{\sum (X_i - \bar{X})^2 \sum (Y_i - \bar{Y})^2} \quad (1) [9]$$

$$1) \bar{X} = (485,2 + 752,3 + 1023,0 + 1366,0 + 1907,0 + 2526,0) / 6$$

$$\text{Bundan } \bar{X} = 1343,25$$

$$\bar{Y} = (52,5 + 54,0 + 54,6 + 55,8 + 56,1 + 56,5) / 6$$

$$\text{Bundan } \bar{Y} = 54,92$$

З-жадвал

Кичик бизнес субъектларига ажратилган микрокредитлар ҳажми ва кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улушининг ўзгариши*

Йиллар	Кичик бизнес субъектларига кўрсатилган микромолиявий хизматлар ҳажми, (млрд. сўм) (X)	Кичик бизнеснинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улushi, (фоиз ҳисобида) (Y)
2010	485,2	52,5
2011	752,3	54,0
2012	1023,0	54,6
2013	1366,0	55,8
2014	1907,0	56,1
2015	2526,0	56,5

* Давлат статистика қўмитаси ва Марказий банк маълумотлари асосида тузилган.

2) Берилган маълумотлар асосида қўйидагича ҳисоблаш ишларини амалга оширамиз:

Yillar	$X_i - \bar{X}$	$Y_i - \bar{Y}$	$(X_i - \bar{X}) * (Y_i - \bar{Y})$	$(X_i - \bar{X})^2$	$(Y_i - \bar{Y})^2$
2010	-858,05	-2,42	2076,48	736249,80	5,86
2011	-590,95	-0,92	543,67	349221,90	0,85
2012	-320,25	-0,32	102,48	102560,06	0,10
2013	22,75	0,88	20,02	517,56	0,77
2014	563,75	1,18	665,23	317814,06	1,39
2015	1182,75	1,58	1868,75	1398897,56	2,50
Jami	0	0	5276,63	2905260,96	11,47

Юқорида келтирилган жадвал маълумотлари асосида микромолиявий хизматлар ҳажмлари билан кичик бизнеснинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улushi орасидаги боғлиқ корреляция коэффициентини топамиз.

Бунинг учун ҳисоблаш ишлари қуидаги амалга оширилган:

3) Жадвал маълумотларидан фойдаланиб, корреляцион боғланиш формуласи орқали боғланиш коэффициентини топамиз:

$$R_{xy} = \frac{\sum (X_i - \bar{X})(Y_i - \bar{Y})}{\sqrt{\sum (X_i - \bar{X})^2 \sum (Y_i - \bar{Y})^2}}$$

$$R_{xy} = 5276,63 / \sqrt{2905260,96 * 11,47}$$

$$R_{xy} = 0,91$$

Демак, корреляция коэффициенти, яъни $R = 0,91$ га teng. Ушбу кўрсаткич микромолиявий хизматлар ҳажми билан кичик бизнеснинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши орасидаги боғлиқлик даражаси жуда кучли ва тўғри пропорционал эканлигидан далолат беради. Шу сабабли, кичик бизнеснинг ЯИМдаги улушкини оширишда муҳим омиллардан бири сифатида микромолиявий хизматлар ҳажмини оширишга қаратиш лозим бўлади.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг дастлабки даврида уларнинг микромолиявий хизматларга бўлган эҳтиёжларини қондиришда тижорат банкларига муқобил равишда ташкил этилган банқдан ташқари кредит ташкилотларининг ҳам ўрни каттадир.

2016 йилнинг 1 январь ҳолатига республикамиз ҳудудларида жами 70 та нобанк кредит ташкилотлари фаолият юритаётган бўлиб, уларнинг 27 тасини микрокредит ташкилотлари ва 43 тасини ломбардлар ташкил қиласди. Нобанк кредит ташкилотларининг жами активлари 109 млрд. сўмдан зиёдни ташкил қиласди. Кўрсаткичлар 2015 йил бошига нисбатан 33 фоизга ўсган. Нобанк кредит ташкилотларининг кредит портфели қолдиги бир йил давомида 38 фоизга ошиб, 96,3 млрд. сўмдан иборат бўлди. Нобанк муассасаларининг умумий капитали 27 фоизга кўпайиб, 81,7 млрд. сўмга етди. Қайд этиш жоизки, нобанк кредит ташкилотлари омонатларни қабул қилиш ва ўзининг шахсий маблағлари ҳисобидан микромолия хизматларини кўрсатиш ҳуқуқига эга эмас.

4-жадвал

Нобанк кредит ташкилотлари кўрсаткичлари (01.01.2016 й.)

Нобанк кредит ташкилотлари кўрсаткичлари	Миқдори (млрд. сўм)	2015 йил 1 январь ҳолатига кўра ўсиш кўрсаткичи (%)
Жами активлар	109	33
Кредит портфели қолдиги	96,3	38
Жами капитал	81,7	27

2015 йилда микрокредит ташкилотларининг асосий кўрсаткичлари барқарор ўсиш тенденциясига эга бўлиб, жами активлари қолдиги 2014 йилдагига нисбатан 30,2 фоизга ошиб, 2016 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 67,5 млрд. сўмга, капитали 25,3 фоизга ошиб, 46,7 млрд. сўмга ва ажратилган кредит ва кўрсатилган лизинг хизматлари қолдиги 24,2 фоизга ошиб, 54,4 млрд. сўмга етди. Шунингдек, 2016 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, ломбардларнинг

жами активлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 36,0 фоизга ошиб, 41,5 млрд. сўмни, кредит қўйилмалари қолдиғи 44,7 фоизга ошиб, 34,6 млрд. сўмни ва жами капитали ҳажми 29,6 фоизга ошиб, 35 млрд. сўмни ташкил этди.

Нобанк кредит ташкилотлари тармоғи ва улар томонидан кўрсатилаётган микромолиялаш хизматлари кўлламининг кенгайиб бораётганлиги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш, айниқса, ахолини кредитлаш ҳажмларининг ошиб боришига хизмат қилмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини микромолиялашни такомиллаштириш ва микромолиявий хизматлар бозорини ривожлантиришда қўйидаги илмий таклиф ва амалий тавсиялар фойдаланиш мақсадга мувофиқдир:

1. Микромолиялаш бўйича хорижий мамлакатларнинг илфор тажрибаларига таяниб, қўйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- гурух кафиллиги асосида микромолиялаш амалиётини изчил ривожлантириш, кичик бизнес инновация лойиҳаларини венчурли молиялаштиришни йўлга қўйиш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини микромолиялаш бўйича маҳсус дастурларни (аҳоли зич жойлашган ва юқори даражадаги ишсизлик мавжуд бўлган ҳудудларга ва қишлоқ жойларда фермер хўжаликларини ривожлантиришга йўналтирилган дастурлар) амалиётга фаол жорий қилиш;

- Ўзбекистон микрокредитлаш амалиётида «Кичик бизнес кафолат фонди»ни ташкил этиш;

- «Ўзбекистон микромолиялаш маркази»ни ташкил этиш ва унинг: микромолиялашнинг ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш; микромолиялаш сектори инфратузилмасини ривожлантириш (кадрлар тайёрлаш, самарали технологияларни қўллаш, кичик бизнес субъектларини микромолиялашга бошқа ташкилотларни жалб қилиш, микромолиявий ташкилотларни ташкил этиш); микромолиявий хизматлар бозорининг шаффоғлигини ва инвестицион жозибадорлигини ошириш дастурини ишлаб чиқиш; кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини микромолиялаш бўйича халқаро ва миллий конференциялар ўтказиш, илфор миллий ва халқаро тажрибаларни намоён қилувчи тренинглар ташкил этиш йўналишларидаги фаолиятини таъминлаш лозим.

2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг микромолиявий хизматларга бўлган талабини ҳисобга олган ҳолда микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар сонини ошириб бориш, асосий эътиборни, уларнинг республика ҳудудлари бўйича мутаносиб жойлашувига қаратиш зарур.

3. Банқдан ташқари кредит ташкилотларини ташкил этиш ва рўйхатдан ўтказишида амалий ёрдам кўрсатиш, уларга тегишли тартибда бинолар ажратилишига кўмаклашиш, жумладан, тегишли муассасалар томонидан белгиланган тартибда бинолар ва жойлар сотилишида қулайликлар ва уларга маълум имтиёзлар яратиш, банқдан ташқари кредит ташкилотларининг зарур

кредит ахборотлариға кириб боришини таъминловчи ёрдамчи хизматларни ривожлантириш, улар фаолиятини тартибга солувчи давлат тузилмаларининг техник базасини мустаҳкамлаш зарур.

4. Тижорат банклари ресурс базасини янада мустаҳкамлаш мақсадида мижозлар ва аҳолининг, хорижий инвесторларнинг бўш турган пул маблағларини банк депозитларга кенг жалб қилишнинг таъсирчан ва узоқ муддатли рағбатлантирувчи омилларини яратиш,

5. Барча микромолиявий хизматлар кўрсатувчи муассасалар томонидан янги ташкил этилаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун микромолиявий хизматлар кўрсатишда бизнес-режа тузиш ва лойихани техник-иқтисодий асослаш, микрокредитлардан фойдаланиш ва микромолиявий хизматлар тўғрисида ўқув семинарлари ташкил этиш керак.

6. Микрокредит маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш, бизнес-режа параметрларига мувофиқ микрокредитлар бўйича таъминланишнинг ҳолати мониторингини олиб бориш, микрокредитларнинг қайтарувчанлик даражасини ошириш, улар бўйича тўлов муддати ўтган қарздорликка йўл қўймаслик юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш мақсадида микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотларда маҳсус мониторинг гуруҳи фаолиятини кенгайтириш лозим.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. <http://www.mspbank.ru>; <http://www.giac.ru>; <http://www.m-economy.ru>. сайти маълумотлари.
2. Финк Т. А. Малый и средний бизнес: зарубежный опыт развития // Молодой ученый. – 2012. – №4. – С. 177-181.
3. <http://huquqburch.uz/uz/view/3950>.
4. <http://www.opora-credit.ru/news/video/detail.php> сайти.
5. Микрофинансирование в Узбекистане: текущее состояние и перспективы развития. Аналитическая записка. Русская версия. Нью-Йорк и Женева. Представительство ПРООН в Узбекистане. 2006. - С. 2.
6. <http://news.bbc.co.uk/hi/russian/international/newsid> сайти.
7. <http://ru.wikipedia.org/wiki/Микрофинансирование> сайти.
8. <http://www.review.uz> сайти.
9. Зокирова М.Ш., Абдуғаффоров А.А. Иқтисодий моделлаштириш амалиёти. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б. 9.